



ЖАМИЯТ

№ 31 (807)
2022 йил
18 август,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

ЎЗИМИЗ ЎЗГАРСАК, ҲАЁТИМИЗ ЎЗГАРАДИ



Шу пайт ёш йигитча
қўл қўтарди:
— Менда эътироз бор.
Иссиқ авжига чиққан
кунлари тоқ етишмай
кондиционерларимиз
ўчиб қолди.
Отахон савол берган
йигитнинг оғзига урди:
— Э қўйсангчи, чекка
қишлоқда яшаб кондиционер
тутаркансан, шунинг ўзи
катта гап-ку.
Ҳамма отахоннинг гапини
мақуллади.



ГАЗЕТА МУАССИСНИНГ МАЙДОНИ ЭМАС!



“ЎЗБЕКИСТОНДАНМИЗ, ДЕСАК АЛОҲИДА ЭЪЗОЗЛАШАДИ”



Кўзим тушмадими,
ё ҳақиқатан ҳам
йўқми, қишлоқда
“Вино-водка”
ёзуви бор дўкон
кўринмади. Ҳатто
сигарет чекувчилар
ҳам йўқ, деган
таассурот билан
қайтдим.

“Вино-водка” дўкони
ЙЎҚ ҚИШЛОҚ


ёхуд азалий
урф-одатлар
акс этган
ҳудуд



ОНА ЗАМИН ЁРДАМГА МУҲТОЖ



БОЛАМ ДЕСАНГ, ҲОЮ-ҲАВАСДАН КЕЧ



ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Ҳаёт ранг-баранг дейишади. Бир нарсанинг ўзи ўнта одам томонидан ўн хил баҳоланар экан. Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Яқинда хизмат юзасидан Жиззахга борганимда бунга ишонч ҳосил қилдим. Ярим аср илгари мактабда бирга ўқиган танишимдан ҳол-аҳвол сўрагандим, мен учун кутилмаган гапни айтди:

— Биз қатори одамлар ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаган. Сизлар “Янги Ўзбекистон, янги Ўзбекистон” деб гапирасизлар, ёзасизлар. Ҳаммаси ҳавойи гаплар. Нимаси янги? Ўша осмон, ўша ер. Одамлар эрталабдан кечгача қора қозонини қандай қайнатиш гамида. Мундоқ пастдаги ҳаётни кузатинглар. Китобий гапларга қорин тўймайди-ку...

Ўзимиз Ўзгарсак, Ҳаётимиз Ўзгаради



Ажабо. Шундай фикрлайдиган одамлар ҳам бор экан. Она Ватанимизда оламшумул ислохотлар тобора кенг қулоч ёзаётганда бундай гапни эшитиш бизни ўйлантириши керак. Ўйлаб-ўйлаб бир хулосага келдим. Ҳамма гап одамнинг ниятида. Кўнглида яхши ўй бўлса, йилт этган янгиликни юрагига яқин қабул қилади. Аксинча бўлса, ҳаётимиздаги муҳим воқеа ҳам шунчаки оддий жараён бўлиб қолаверади.

Узоққа бормайлик, шу йил ёзда шахматчи ёшларимиз эришган ғалаба тараққийпарвар инсониятни ҳайратга солди-ку?! Бир издиҳомда ёши улуг отахонга “Бир дуо қилинг” дейишганида “Илоҳим, шахматчиларимиз эришган ғалаба яна давом этсин, бизнинг қишлоғимиздан ҳам чемпионлар чиқсин!” деганига ўзим гувоҳ бўлдим. Тасаввур қилайлик, Ҳиндистонда дунёнинг манаман деган давлатлари Ўзбекистонга ҳавас қилишди. Шундай улкан зафарни кўрмаслик учун кўр бўлиш керак.

Жамоа тўпланиб қолганидан фойдаланиб ўртага савол ташладим:

— Айтингларчи, ҳозирги ислохотларнинг қайси бирига қўшилмайсизлар?

Бундай саволни кутишмаган эканми, ҳамма бир-бирига қараб қолди.

Бироздан сўнг дуо қилган отахон:

— Ҳеч қанака эътирозимиз йўқ. Ҳамма ҳаракат халқимизга хизмат қилиш учун бўлаяпти. Буларни тан олмаслик номардлик.

Шу пайт ёш йигитча қўл кўтарди:

— Менда эътироз бор. Иссиқ авжига чиққан кунлари ток етишмай

кондиционерларимиз ўчиб қолди.

Отахон савол берган йигитнинг оғзига урди:

— Э қўйсангчи, чекка қишлоқда яшаб кондиционер тутаркансан, шунинг ўзи катта гап-ку.

Ҳамма отахоннинг гапини мақуллади.

Кейинги йилларда “Ташаббусли бюджет” деган ибора пайдо бўлди. Галдаги йил режалари белгиланаётганда бюджет маблағини қаерга сарфлаш ҳақида гап кетганда оддий халқ вакиллари ўз фикрларини асо-

юрадиган хонадонлар энди ҳамма қулайликларга эга шинам уйларга кўчиб киришмоқда. Болажонларнинг қувончини айтмайсизми?! Сиз Ўзбекистоннинг янгиланаётганига шубҳа қилсангиз, ўша оилалар билан гаплашиб кўринг. Улар туш кўргандек ҳаёт кечиришяпти.

Бир оила аъзолари автомашина бошқариш учун ўзаро ишончнома расмийлаштирилганда авваллари тўлов талаб қилинарди. Энди бу тартиб одамлар фойдасига осонлаштирилгани қанчадан-қанча оилаларга қувонч келтирди. Эҳтимол, кимдир бу маслани жуда майда ҳисоблар. Президентимиз халқ ҳаётидаги майда масалаларни ҳам ҳисобга олаётганлигига мисол бу.

Янги Ўзбекистоннинг вужудга келишига Ватанимизнинг энг бебаҳо бойлиги — меҳнаткаш халқи кўрсатаётган ибрат муҳим рол ўйнамоқда. Сиз Қува туманида ўтган асрда ном таратган Урайимжон Каримов ҳақида эшитганмисиз? Бу мўътабар зот нафақат Қувада, бутун мамлакатимизда савоб ишлар билан из қолдирган. Шундай инсонга издош бўлган,

яхши анъаналарини давом эттираётган фидойилар йўқмикан, деб қизиққаннимизда “Қува ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Зухра Алиева:

— Бор-да шундай инсон. Миродил Ҳайдаров устозининг чирогини ёқиб келяпти. Бу тадбиркор саховати билан Қувадаги жуда кўп қабристонлар обод бўлди. Инсон кадрини кўтариш у кишининг кундалик фаолияти. Ногиронларни иш билан таъминлаш, эҳтиёжманд инсонларга кўмак бериш борасида бутун Қувага намуна бўлаяпти. Спортчиларнинг узоқ шаҳарларга сафарлари ҳам Миродилнинг зиммасида. У кишининг бир илтимоси бор: Қилинаётган ишлар ҳақида матбуотда ёзманглар, хизматни миннат деб билмасинлар.

— Тасарруфингиздаги маблағни саховат билан сарфлашингизга сабаб нима? — сўраймиз қахрамонимиздан.

— Янги Ўзбекистонимизни дунё таниши керак, — дейди М.Ҳайдаров.

Қаранг, шундай инсонлар бошқаларга доим намуна.

Ҳар қандай ишга ишонч билан, эътиқод билан киришилса, мақсадга албатта эришилади. Янги Ўзбекистон орзуси ҳам одамларимизнинг аҳил, яқдил интилиши туфайли рўёбга чиқади. Келинг, шу эзгу ният йўлида бирлашайлик. Ўзимиз ўзгарсак, ҳаётимиз ўзгаради. Бунга шубҳа йўқ!

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

слаб бюджет маблағини тегишли объектга йўналтиради. Бу режа тузилаётганда мутасадди идоралар белгиланган харажатлар ҳам умум-халқ назоратидан ўтади. Айтингчи, бу янги Ўзбекистоннинг янги одими эмасми?!

Илгари дала ишларини мактаб ўқувчиларисиз тасаввур эта олмасдик. Дарс жадвали ғўза чопиғи, пилла териш, пахта йиғим-теримига қараб тузиларди. Энди ҳамма ўз ўрнида. Ҳозирги ёшларга ўтган замонлар ҳақида гапирсангиз, ишонилари қийин. Ахир бу соҳадаги ислохотлар инқилобга тенг эмасми?!

Ушбу рақамларга эътибор қилайлик: Лойиҳалари аҳоли билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган “Янги Ўзбекистон” массивлари жорий йилда жами 29 та жойда 21212 хонадонга мўлжалланган 619 та замонавий уй-жой, шунингдек, ўнлаб мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари, янги боғлар барпо этилаётганига нима дейсиз. Бу масивлардаги қатор-қатор уй-жойлар илгари бормиди? Яширишнинг ҳожати йўқ, Бағдод тумани Фарғона вилоятининг қоқоқ туманлари қаторида турар эди. Биз, журналистлар Бағдодни Олтиариқ тумани билан қиёслаб танқид қилардик. Ҳозир Бағдодда яратилган янги уй-жойларни бориб томоша қилинг. Ўзга оламга келиб қогандек бўласиз. Қаерга дейсизми? Худди Янги Ўзбекистонга!

Илгари ижарама-ижара сарсон

Тупроқ деградацияси. Сўнги вақтларда мазкур «термин» қулоғимизга бот-бот чалинаётгани сир эмас. Аслида бу жараён ердаги ҳаёт чашмасининг тобора қуриётганидан дарақдир. Одамзотнинг насибаси узилган ердан нима ҳам кутиш мумкин, айтинг, нега бу тупроқ бундайин завол топди, дерсиз. Бунинг сабаблари кўп... Вақт ўтган сайин инсон омили ҳамда экологик мувозанатнинг кескин бузилиши мушфиқ заминни шу тахлит хўрламоқда. Очик айтиш керак, бир вақтлар барча мавжудотни ўз бағрига олган серунум тупроқ қақроқ, шўр чўл майдонига айланиб бормоқда. Бу хунук манзара бугун бутун дунё миқёсида ўзини «кўз-кўз» этмоқда. Нақадар аянчли манзара. Табиатнинг бундай кескин зарбалари қаршисида қўл қовуштириб ўтириш эса аҳволни янада кескинлаштиради. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда ушбу долзарб муаммони бартараф этишга жиддий киришилган.

ОНА ЗАМИН ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Жумладан, бизнинг юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг, муҳими, ҳуқуқий асос яратилган. Мамлакатимиз конун ҳужжатларида «Ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон Республикаси халқларининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб кўрсатилгани фикримиз исботи.

Албатта, саховатли заминимиз бор, у асрлар оша ажодлардан бизгача безавол етиб келган, биз ҳам келажак вояларни қўлига уни кўз қорачигидек асраб-авайлаб етказишимиз керак. Йўқса, табиат, келгуси авлод бизни кечирмайди. Шунинг учун ҳам тупроқдан зар унган заминимизнинг ҳар қарич ери умуммиллий бойлик сифатида эътироф этилган, қадрлаб келинган. Модомики, шу сайёра бизнинг миллий бойлигимиз экан, унга нисбатан минбаъд хўжасизларча ёндошмаслигимиз даркор. Бинобарин, азал-азалдан тупроқ кишлок хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган. Ундан тўғри фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун энг аввало асосий эътиборимизни тупроқ муҳофазасини иқтисодий-ҳуқуқий, ташкилий жиҳатларини таъминлашга қаратишимиз зарур. Охирги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаётгани таҳсинга лойиқ. Янги Ўзбекистон ўз иқтисодий ривожланишини агро-индуриал йўналишда ташкил этаётган ҳозирги шароитида тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, уларнинг ечимини топишда амалиёт материаллари асосида чуқур илмий-назарий мушоҳадага асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, хулосалар бериш заруратини вужудга келтиради. Зеро, бугунги глобал иқлим ўзгариши даврида тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бормоқда. Шу сабабли ҳуқуқий нуқтаи назардан тупроқ унумдорлигини

оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада чуқурроқ ўрганиш, бугунги кундаги ҳолатини яна бир бора илмий ва амалий томонларини таҳлил этиш ва энг асосийси уларни янада такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

Тупроқнинг энг муҳим хосаси – унумдорлик. Баъзида далаларда деҳқонлар билан суҳбатлашиб, кишлок хўжалигимизда бўлаётган ишларни беихтиёр кузатиб гувоҳи бўламиз: шундайлар борки, ўзини ернинг ҳақиқий эгаси, деб билмайди, кадрига етмайди, асрамайди, қисқа муддатда катта фойда олиш эвазига ерни «сиқиб, сувини ичишади» - керагидан ортик кимёвий ўғитлар ишлатишади. Энг ачинарлиси – ерларга ишлатилаётган кимёвий ўғитлар инсон саломатлиги, қолаверса, ирсий жиҳатдан хавфли эканлигини англасалар-да, ўз билганларидан қолишмайди. Яна бу каби «деҳқон»лар ўзларини ер танлаб экин экишда устасифаранг ҳисоблашади. Улар учун соғлом келажак, ернинг кейинги тақдири, узоқ истикболли маҳсулдорлиги муҳим эмас. Кўриб турганингиздек, инсоннинг ерга нотўғри муносабати сабаб тупроқ унумдорлиги пасайиб, натижада ернинг карбонат ангидридни тутиб қолиш хусусияти йўқолади ва ярқисиз ерга айланади. Демокчи-ман-ки, айнан шу каби масалалар бугун биз дуч келаятган ва ижобий ҳал қиладиган муаммоларни боши десак муболағга ўрин қолмайди.

Эътиборсизлик, лоқайдлик шу тахлит давом этса, чўлланган минтақаларда экологик тизимлар бузилади, органик ҳаётнинг барча шакллари дақиқа сайин ўзгариб ёмонлашиб бораверади. Аслида чўлланиш – ернинг экин экилмайдиган ярқисиз ҳолга келиш жараёнидир. Бунда қурғоқчил иқлимли ўлкаларда экологик тизимлар бузилади, улардаги органик ҳаётнинг барча шакллари ёмонлашади. Бу эса, ўз навбатида, табиий иқтисодий инкирозга олиб келади. Шўрланиш ёки қурғоқчилик муаммоларини нисбатан бартараф этса бўлади. Чўлланиш эса бирмунча қийин, чунки шўрланиш муаммосининг энг охирги натижаси, бу

– чўлланиш ҳисобланади. Чўлланган ҳудудда ер унумдорлигини йўқотади. У ердан ҳеч қандай мақсадда фойдаланиб бўлмайди, яъни истеъмолга ярқисиз маҳсулот олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кишлок хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун ярқисиз ҳисобланади.

Бугунги глобал иқлим ўзгариши шароитида ерлар деградацияси, тупроқларнинг унумдорлик ҳолатини ошириш ва сақлаш муаммолари бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Ҳар йили дунё бўйича 6, 7 миллион гектар яқин ер майдонлари кишлок хўжалик айланмасидан чиқиб кетмоқда, яъни ундан фойдаланилмайди. Бундан ташқари глобал, регионал миқёсида ҳам асосий хавф антропоген деградацияси бўлиб турибди.

Шу кунгача қарийб 2 минг миллион гектар ер деградацияга учраган. Шуларни 900 миллион гектаридан тупроқ унумдорлиги камайиш ҳолатлари, 300 миллион гектар ер майдонларида ўртача деградация ҳолатлари ва 9 миллион гектар ер майдонларини умуман кишлок хўжалигида фойдаланишга қайтариш имкони йўқлиги аниқланди. Бундай ҳолатлар эса масалага янада жиддийроқ ёндошишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 10 июнида «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарорга асосан, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ерлар деградациясига қарши курашиш бўйича вазифалар юклатилиб, махсус департамент ҳам ташкил этилди. Вазирлик ерлар чўлланиши, уларни тиклаш, экинларни алмашлаб экиш, ўрмонлар барпо қилишни мониторинг қилади, ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритади.

Республикамизда мавжуд 44,9 миллион гектар ерларни бор-йўғи 4,3 миллион гектари ёки қарийб 10 фоизи суғориладиган ерлардан иборат. Ушбу ерларнинг қарийб 2 миллион гектари ёки 45 фоизи иккиламчи шўрланишга учраган. Ёки, 800 минг гектар ерларимизда сув эрози-

яси муаммолари учрайди. Қарийб 2 миллион гектардан ортик майдонда шамол эрозияси мавжуд.

Мазкур ҳужжатга кўра, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқотлар институти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилди ва институтининг номи Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти деб ўзгартирилди. Бу эса институтида фаолият олиб бораётган тупроқшунос олим ва мутахассислари зиммасига яна бир қарра масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бундан ташқари Хоразм, Бухоро, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида институтининг минтақавий филиаллари ташкил этилди. Бу орқали жойлардаги муаммоларни ўз вақтида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини қўллаган ҳолда илмий ёндашув асосида ечим топиш мумкин.

Мамлакатимизнинг ҳар бир қарич ери бебаҳо. Мазкур қарорда ерлар деградациясининг олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳам белгилаб берилган. Деградация жамият учун салбий оқибатлари билан зарар келтирса-да, унга қарши курашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти олимлари томонидан деградациянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида 2022-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуаси тайёрланди. Унга кўра, шўрланишнинг олдини олиш бўйича махсус йўл харитаси тузилди. Жумладан, тупроқларнинг гумуссизланишини олдини олиш учун гумус миқдорини оширишга доир йўл харитаси ишлаб чиқилди. Ер майдонларидаги тупроқларнинг асосий гумуссизланиши 0,5 фоиздан камни ташкил этмоқда ва ушбу чора-тадбирга кўра, бундай кўрсаткичдаги ер майдонларини қисқартириш режалаштирилган. Ушбу йўл-харитада 12-13 банддан иборат чора-тадбирлар белгилаб қўйилган. Хусусан, деградация жараёнларининг бартараф этишнинг томчилатиб суғориш усули ҳам тавсия этилган. Бу усул сув ва зарур ўғитларни суғорилаётган экиннинг илдиз ёнидаги қисмга тўғридан-тўғри узатувчи тизим бўлиб ҳисобланади. Сув узатиш миқдори ва даврийлиги ўсимлик эҳтиёжидан келиб чиқиб юборилади. Бу усулда сув барча экинларга бир текисда, бир хил миқдорда ортикча исрофгарчиликсиз етиб боради. Шунингдек, сувни оқиш вақтидаги буғланишлари миқдори камайд.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчиманки, ерга бўлган муносабатимизни кескин ўзгартиришимиз зарур. Яқинларимизни, энг зарур нарсаларимизни қанчалар яхши кўрганимиздек, хоксор ва мунис заминимизни ҳам авайласак, эъзозласак кўзланган мақсадларга эришамиз. Инчунин, бугунги агрокластерлар, деҳқон-фермерлар ва ердан фойдаланувчилар ўзларининг экин майдонлари унумдорлигини ошириш орқали кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳам кўпаймоқда. Бунда республика кишлок хўжалиги соҳасида илм ва инновациянинг биргаликда олиб борилаётгани аҳамиятлидир.

Ақбар ХУДОЙҚУЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Тупроқшунослик ва
агрокимёвий тадқиқотлар институти
"Ахборот ресурс" бўлими бошлиғи

ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙГУНЛИГИ



Хар қандай жамиятда олимлар ва ишлаб чиқариш соҳаси вакилларининг ўзаро ҳамфикр ва ҳамнафас фаолияти кўплаб улкан ютуқлар ҳамда салмоқли натижаларга эришилишига сабаб бўлган. Чунки назария билан амалиёт узвий боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатган тақдирда, улар бир-бирини тўлдириб, янги-янги ихтиро ва кашфиётларга йўл очади. Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Шу маънода, кейинги йилларда Навоий кон-металлургия комбинати тизимида йўлга қўйилган илмий-амалий фаолият ҳамкорлиги ўзининг ижобий натижаларини бераётгани кувонарлидир. Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўринга эга бўлган ушбу йирик саноат корхонасига кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган изланувчан олим ва тажрибали мутахассис, техника фанлари доктори, профессор Кувондик Санакуловнинг саъй-ҳаракатлари билан кончилик саноати соҳасида шакллантирилган таникли олимлардан иборат илмий гуруҳтомонидан муҳим тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида охириги 10 йил давомида нодир металлларни ажратиш олиш бўйичагиридан ортиқ илмий, илмий-оммабоп китоблар нашр этилди, 10 дан ортиқ ихтиродага патентлар расмийлаштирилди.

Айниқса, Навоий кон-металлургия комбинатининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “Олтин-маргимуш таркибли, ишланиши қийин бўлган сульфидли рудалардан олтин ажратиш олиш усули” (патент IAP05134) БМТга қарашли Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “Ихтирочилиги учун” олтин медали билан тақдирланиши ўзбек олимлари илмий фаолиятининг дунё микёсида юксак эътирофи бўлди.

Навоий кон-металлургия комбина-

ти раҳбарияти ҳамда мутахассисларининг изчил изланишларинатижасида ўта қаттиқ, мураккаб таркибли рудалардан олтин хомашёсини ажратиш олишнинг ноёб усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилгани ҳам таҳсинга сазовардир.

Ана шу ноёб усуллар Ўзбекистон ва Германия томонидан патентлаштирилган. Янги усулларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида, яқин беш йил ичида Навоий кон-металлургия комбинатида йиллик олтин ишлаб чиқариш ҳажми 100 тоннага етказилиши кутилмоқда.

Муаллифлар томонидан 2012 йилдан буён “Технологик ва қайта ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ҳамда комплекс технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” йўналиши бўйича 9 та ихтиронинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида жами 1 триллион 133 миллиард сўм самарадорликка эришилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Илм-фан ютуқларининг саноатга татбиқ этилиши ана шундай улкан ютуқларга омил бўлмоқда.

Таҳлилларга кўра, кончилик соҳасида ишлаб чиқаришда қўлланилаётган бундай патентланган усуллар асосида мураккаб таркибли маъданлардан олтин ажратиш олиш даражаси 12,4 фоизга, олтин ишлаб чиқариш ҳажми эса 11 фоизгаёки йилига кў-

шимча 1,5 тоннага оширилди.

Бундан ташқари, комбинат тизимида кон ишлари режаларининг оператив ҳисоб-китобини йўлга қўйиш ҳамда тоғ-кон массасини ташиб чиқаришни оптималлаштириш ҳисобига технологик транспортларнинг эксплуатацион харажатларини 120 миллиард сўмга камайтиришга эришилди.

Тебриниш ва коррозиянинг олдини олиш учун янги турдаги қуйма деталлар ва агрегатлар, тегирмон блоклари учун металл қопламалар (футеровка) жорий этилиши орқали комбинат микёсида эксплуатация қилинадиган тоғ-конускуналарининг яроқлилик муддатини 32,6 фоизга оширишга эришилгани ҳам комбинат ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар кейинги беш йилликда мураккаб олтин таркибли рудаларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш самарадорлигини юксалтириш ҳисобига кимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга кўпайтириш имконини яратди.

Бундан ташқари, навоий кон-металлургия комбинатида кимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўналишида йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида патентланган ва шу асосда маҳаллийлаштирилган технологик ускуналарнинг (тегирмонлар

ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, қуюлтиргичлар, сорбциялаш дастгоҳлари ва бошқалар) ишлатилиши натижасида валюта харажатлариникиескин камайтиришга муваффақ бўлинди.

Буларнинг барчаси мазкур корхона тизимида фаолият кўрсатаётган олимларнинг ҳар бир ишга чуқур илмий асосда ёндашуви, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг доимий интеграцияси самарали йўлга қўйилгани натижасидир.

Ўрни келганда, Қ. Санакулов таникли олим ва тажрибали раҳбар сифатида Отабек Мустақимов, Улуғбек Эргашев сингари истиқболли ёш тадқиқотчилар билан ҳамкорликда яна бир қатор муҳим лойиҳалар устида фаол илмий тадқиқотлар олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Демак, келажакда улардан яна кўплаб ихтиро ва янгиликлар кутишга ҳақлимиз.

Бир сўз билан айтганда, “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ҳамда комплекс технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” илмий-амалий ишланмасини фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига ҳар жиҳатдан муносиб, деб ҳисоблаймиз.

Абдурашид ҲАСАНОВ,
«Олмалик КМК» АЖ
бош муҳандисининг илм-фан
бўйича ўринбосари, техника
фанлари доктори, профессор

Кўмита ва комиссиялар йиғилишлари

ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишлаб “Тиббиётдаги ислохотлар инсон қадри учун” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш тизими муассасалари масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлигини янада юксалтириш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилиб, бу борада салмоқли ишлар қилингани таъкидланди.

Айниқса, сўнгги беш-олти йилда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражасида тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилиб, 2017-2022 йиллар давомида соҳага доир 10 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 22 та фармони, 8 та фармойиши, 97 та қарори қабул қилингани қайд этилди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ушбу

соҳада бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгармоқда. Энг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар туфайли 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта йўлга қўйилди. Сўнгги беш йилда 200 турдаги янги жарроҳлик амалиёти жорий этилиб, буйрак ва жигар трансплантацияси республикамиз шифохоналарида йўлга қўйилди.

Тез тиббий ёрдам тизими мутлақо янги инновацион, сифат жиҳатдан юксак, барча халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган соҳага айлантирилди. Айниқса, юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати бўлимларида бутунлай янгича тизим шакллантирилди.

Шу билан бирга, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифат ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрида қад ростлаган Болалар миллий тиббий маркази бу борада айни муддао бўлди. Ҳозирда бу ерда энг замонавий тиббий жиҳозлар орқали юқори технологияли диагностика ишлари бажариляпти. Энг мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилмоқда.

Тадбирда сўз олганлар сўнгги йилларда Президентимиз бошчилигида аҳолини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб, соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотларни бугун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаётида, турмуш тарзида чуқур ҳис этаётганини қайд этишди.

Турли замонавий тиббий техника воситалари билан жиҳозланган Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудлардаги филиалларида турли мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилаётгани таъкидланди.

Яқунда аҳоли саломатлигини асраш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар олдида турган долзарб вазифалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 августда имзолаган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Зеро, мустақиллик ўзликни англаш, ўз ватанингда эмин-эркин яшаш, миллат равнақи ва давлат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатиш демакдир.

Ота-боболаримиз дуога қўл очганларида, энг аввало, тинчлик ва хотиржамликни сўрашади. Яратганга беадад шукрки, тинч ва осуда юртда яшаймиз. Камтарин ва меҳнатқаш халқимиз хотиржамликни кадрлайди, муаззам ҳаётни эъзозлайди. Амаллар ниятга боғлиқ, дейилган ҳикмат мағзидан келиб чиқиб айтсак, халқимиз тийнатидаги эзгу фазилатлар боис меҳрибон ва раҳмли зот бизга шундай дориламон кунларни раво кўрганига ҳар қанча шукроналар айтсак кам. Ахир, бугун кўриб турибмиз ер юзининг турлди нукталарида қон тўкишлар, қарама қаршилиқлар рўй берапти. Бунинг жабридан мамлакатлар таназзулга юз тутмоқда, одамлар яшаш тарзи издан чиқиб кетаётир. Мана шундай вазиятда барча халқларга тинчлик тилаган ҳолда, юртимиздаги барқарор ҳаётни янада асраб-авайлашимиз лозим бўлади.

Дилда бори тилга чиқади. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришган илк кунларданок мамлакатда диний-марифий ислохотларга алоҳида урғу бера бошлади. Бинобарин, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига қаратилган ислохотлар ҳам муқаддас Исломи дини улуғлаган фазилатлар — бағрикенглик, саховат, силайи раҳм, мурувват, яхшилик каби солиҳ амалларга ҳамоҳанглиги билан таъсирли ҳамда ибратлидир.

Ҳар бир мамлакатда ёшларга тўғри тарбия беришга муҳим вазифа сифатида эътибор бериладими, деган саволнинг жавобини кўп ўйлайман. Ахир, бу борада айрим мамлакатларда хоҳиш бўлса-да, имкон йўқ, имкон бўлса, хоҳиш йўқ. Қанчадан-қанча мамлакатларда оч-наҳор болалар кўчаларда сарсон-саргардон, яна қанчасида саводсизлик авж олган. Норасидалар кўча-куйларда тентираб юради, ота-онасининг уларга қарашга қурби ҳам, мажолли ҳам йўқ. Давлат бефарқ, лоқайд.

Шундай экан, илму фан эъзозланаётган, дину диёнат улуғланаётган, ўтганлар хотирасига ҳурмат кўрсатилаётган юрт қаерда деб сўрашса, ҳеч иккиланмай Ўзбекистон деган бўлардим. Маънавий муҳити дилни равшан этадиган бундай диёрда яшаётган, камол топаётган ҳар бир ўғил-қиз ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан таъсирланиб улғаяди, ҳам келгусида шундай ибратли ишларни амалга оширишга интилади. Шу маънода, Ўзбекистонда фарзандлар тарбиясига қаратилаётган ғамхўрликни алоҳида эътироф этган бўлардим.

Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Бу заминнинг ҳар бир қарич тупроғида азиз-авлиёлар, улуғлар ётибди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Насафийларни дунё биледи, эъзозлайди. Бугун олиб борилаётган ислохотлар ана шу буюк аждодларнинг илмий-маърифий ва маданий меросига ҳурматни ифодалай-



ди. Ушбу заминда улғайиб, ўз илмий фаолиятлари ва асарлари билан мусулмон олами ва умумбашариёт тамаддунига ҳисса қўшган алломалар, мутафаккирлар меросини ўрганиш, уни келажак авлодларга етказиш, илмий ва маънавий мерос акс этган қўлзма-лар, осори-атикалар воситасида ислом динининг асл — тинчликпарварлик, инсонийлик ва бунёдкорлик моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Исломи цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқотлар маркази, Термизий, Насафий, Марғиновий илмий марказлар ташкил қилинди. Қаранг, мураккаб вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлатлар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб дин никоби остида амалга оширилаётган жиноий хатти-ҳаракатлар замирида жаҳолат, яъни диний ва дунёвий саводсизлик ётганини, бинобарин ушбу саводсизликка маърифат билан барҳам бериш ҳисобига терроризмнинг илдизларига ҳал қилувчи зарба бериш мумкинлигини қатъий айтди. Айнан Ўзбекистон Президенти тарихда илк бор 2017 йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбаридан туриб, асл моҳияти тинчлик ва инсонпарварлик бўлган ислом динини террор ҳамда қон тўкишга, ер юзидаги жиноятларга мутлақо алоқаси йўқ эканини таъкидлади ва ёшларни террорчилик, бузғунчилик мафкурасидан ҳамжихатликда ҳимоя қилишга чақирди.

Дарҳақиқат, тўғри талқин қилинган эътиқод фақат тинчликни, одамийликни улуғлайди, Аллоҳ буюрмаган нарсалардан ўзни тийишга, Ватанни, ота-она ва яқин кишиларини севишга, ҳалол меҳнатга, бировнинг дилини оғритмасликка, қон тўкмасликка, ёлғончилик ва фирибгарлик қилмасликка чорлайди.

Табаррук ислом динининг тинчликпарварлик, одамийлик, илм ва бунёдкорлик моҳиятини тарғиб қилиш, 13 асрдан кўпроқ вақт мобайнида Имом Бухорий, Имом Насафий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби уламолар, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби олимлар то-

монидан яратилган маънавий-маърифий, илмий-маданий ва тарихий мерос билан жамият аъзолари, биринчи ўринда ёшларни яқиндан таништириш, уни келажак авлодларга етказиш чораларини кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда Имом Бухо-

миллатлар ва элатлар, 16 диний эътиқод вакиллари бир оила аъзоларидек ҳамжихатлик ва иноқликда яшаётганлари фахр билан тилга олинди.

Ҳозирги кунда инсоният, жумладан мусулмон олами икки муаммо ва хатарга дуч келмоқда: бир томондан исломий акидаларни сохталаштириш, ислом динининг шиорлари панасига ўтиб олиш воситасида жаҳоннинг

“ЎЗБЕКИСТОНДАНМИЗ, ДЕСАК АЛОҲИДА ЭЪЗОЗЛАШАДИ”

рий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Сурхондарёда Имом Термизий марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Қайд қилиш ўринлики, диний-маънавий маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, ёшлар тарбиясини такомиллаштириш масалалари халқаро ҳамкорликни тақозо этади. Ўзбекистон Президентининг яқин ва узоқ кўшнилари билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга оид ташаббуси диний соҳани ҳам ўз ичига қамраб олмоқда.

2016 йилнинг 18 октябрида “Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзуси остида Тошкентда Исломи ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилди ва унда Ўзбекистон Республикаси Раҳбари Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Кейинги йилларда Ер юзида рўй бераётган геосиёсий ўзгаришларни таҳлил қилар экан, Президент ушбу ўзгаришлар инсониятнинг имкониятларини кенгайтириш билан бирга зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ мамлакатлар орасидаги тафовутларларнинг ўсишига олиб келаётгани, натижада тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва қўлами билан трансмиллий, яъни жуда кенг халқаро қўламдаги хатти-ҳаракатлар содир этилаётганини билдириб, Исломи ҳамкорлик ташкилоти фаолияти қўламини кенгайтиришга даъват этганди.

Орадан бир йил ўтгач, яъни 2017 йилнинг 18 октябрь куни Тошкентда “Исломи ҳамжихатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида” мавзуида иш бошлаган халқаро конференция айнан ана шу даъватга жавобан ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Исломи ҳамжихатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида” мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаати яна бир кўтаринки рух ва илҳом бағишлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қутловида қадимги ўзбек заминидан етишиб чиққан мутафаккирлар, олимлар ва азиз-авлиёларнинг фаолиятлари мусулмон олами ва глобал тамаддунга бебаҳо ҳисса қўшгани, Ўзбекистонда 130 дан ортик

турли бурчакларида қон тўкилмоқда, шаҳарлар, қишлоқлар вайронага айлантирилмоқда, иккинчи томондан вужудга келган вазиятдан, ҳар қандай, ҳатто маиший турмушдаги айрим жиноятларда ҳам динимиз ва унинг таълимотига хуруж қилишга, исломни ёмон кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг барча чиқишларида, жумладан конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида бундай уринишларга кескин танқидий муносабат билдирилади: “Биз буюк динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Исломи дини бизни эзгулик ва тинчликка, ҳаётда асл инсоний фазилатларни қарор топтиришга даъват этади.”

Ўрни келганда, айтиб ўтишимиз керак, жорий йилда Ўзбекистондан 12 минг киши муқаддас Ҳаж зиёратига бўлишди. Бу рақам тарихий кўрсаткич десак адашмаймиз. Негаки, аввал ҳеч қачон бунча одам улуг зиёратга бормаган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва топшириғи асосида амалга оширилган бу хайрли иш натижасида қанчадан қанча нурунийларимиз ўзларининг эзгу мақсадларига етишди, табаррук заминда бўлиб, юртимиздаги хотиржамлик барқарор бўлишини сўраб, дуолар қилишди. Ана шундай улуг зиёратни адо этиб келган танишларимиздан бири бир гапни айтиб қолди: “Ҳаж амалларини бажариш мобайнида шу нарса кўзга ташландики, биз ўзбекистонликларга алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Ўзбекистонлик эканлигимизни айтсак, Бухорийдан, Термизийдан сўз очишиб, шундай буюк муҳаддисларнинг юртидан хуш келибсиз, деб юксак эҳтиромлар кўрсатишди”.

Бундай пайтда одам янада тўлқинланиб кетади, азиз ва мукаррам диёрнинг фарзанди эканлигиндан, инсон қадри улуғланаётган масканда яшаётганиндан қалб фахру ғурурга тўлади.

Ғани Жўраев,
Тошкент шаҳар Марказий
Давлат архиви етакчи архивчиси

Ватанимиз истиқлоли ҳақида қанча гапирсак, қанча ёзсак ҳам оз. Зеро, мустақиллик — ҳуқуқ, мустақиллик — тинчлик, мустақиллик — барқарор ривожланиш... мустақиллик — инсон манфаати учун ҳамма нарса!

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ АСОСИ



Истиқлол шарофати билан миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик қарор топди, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик қафолатланди. Энг муҳими, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш бўйича кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кутиб олиш ва ушбу кутлуғ санани юксак даражада нишонлаш мақсадида имзоланган қарорда бу йилги байрам “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғоя остида нишонланиши белгиланди.

Бу ғоя замирида ниҳоятда тегран маъно-мазмун мужассам экани шубҳасиз. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қа-

дрийат сифатида намоён бўлаётганидан, фуқароларимизнинг эмин-эркин яшаш, уй-жой ва ер-мулкка эга бўлиш, соғлиқни сақлаш, билим олиш каби табиий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилаётганидан, келажакда ҳам бундай ислохотлар бардавом бўлишидан дарак беради.

Кейинги йилларда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди ва муҳим ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, мен сайланган 54-Норин сайлов округи таркибига кирувчи Наманган вилоятининг Норин ва Уйчи туманларининг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорликлар устидан чиқасиз. Янги қурилаётган боғчалар, мактаблар, спорт иншоотлари кўзингизни қувонтиради.

Россиянинг Владивосток шаҳрида бўлиб ўтган “Осиё болалари-2022” спорт мусобақаларида ҳам Норин тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Санжарбек Анварбековнинг эркин кураш бўйича чемпион бўлгани ҳам ушбу соҳадаги ислохотларимиз натижаси, деб биламан.

Бу борадаги энг асосий ютуқларимиздан яна бири – халқимизнинг сиёсий тафаккури ва ижтимоий фаоллиги кундан-кун юксалиб бораётгани, атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, ислохотларимизга дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир. Бунинг исботини Бош Қомусимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун юзасидан ўтказилган умум-

халқ муҳокамасида халқимиз томонидан бир юз эллик мингдан ортиқ таклифлар билдирилганида ҳам кўрдик.

Қарорда белгиланганидек, бу йилги Мустақиллик байрамини юртимизнинг барча шаҳар ва туманлари, кишлоқ ва овулларида кенг нишонлашимизга етарлича асосларимиз бор. Чунки амалга оширилаётган ислохотларимизда ҳар бир ватандошимиз ўзига яраша муносиб ҳиссага эга. Ушбу қарор жонажон Ватанимизда инсон шаъни, обрўси ва ғурури, умумий қилиб айтганда, инсон қадрини янада улуғлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

БОЛАМ ДЕСАНГ, ҲОЮ-ҲАВАСДАН КЕЧ



Шахматчиларимизнинг оламшумул ютуқлари, уларга ажратилган мукофотларни кўриб, ҳамма хаёлан ғолиблар ўрнида ўз фарзандини тасаввур қилгани, шубҳасиз. Албатта, ҳавас яхши, яхши ният – яхши. Бироқ бир ўйлаб кўрайлик, бу муваффақият, ғалаба йигитларга ўз-ўзидан берилмади. Оналари уларни миясидаги алгоритмлар билан дунёга келтирмаган. Тўғри, Аллох юқтирган уқув бор, аммо кимда уқув йўқ?

Айтмоқчи бўлганим, ҳамма болада қайсидир машғулотга нисбатан табиий истеъдод бўлади 1 фоиз... Қолгани воз кечиш ҳисобига.

Нега айнан воз кечиш, эгаллаш эмас?

Келинг, чемпионлик учун нималардан воз кечиш ҳақида бироз мияга қўшимча “юклама” бериб кўрамиз. Шу болалар мисолида қиламиз бу ишни. Уларни болалигидан биламиз, демек мактабга боришидан аввалроқ шахматни ўрганишган. Тўғрироғи, ўргатишган.

Ким?

Ота-онаси.

Улар ўргатиш асносида, ишдан чарчаб келиб, диванда думалаб ТВ кўриш, телефон титиш, гапга бориш, телефонда гаплашиш, ўзаро суҳбатлашишдан воз кечган. Тўй-ҳашам, чойхона, латта-путта, кийим-кечак, қиммат ресторанларга сарф қилиши мумкин бўлган пулларини боласи-

нинг қўшимча дарсига, йўлкирасига, овқатланиши, кўйинги тарбиясига йўналтириб, ўз нафси истакларидан воз кечган.

Чойхонага бормаса, дадаларининг дўстлари, тўйхонага бормаса оналарининг дугоналари кулгандир... тўғрими?

Болаларнинг ўзи.

Улар деразадан ташқарида ўйнаб юрган тенгқурларининг шовқини кулоқларига кириб турган ҳолда дарс қилган. Ўйиндан воз кечган. Ота-онаси талаби билан еган, ичган, ётган, турган. Ўйнагиси келган, аммо бу болалик истагидан воз кечган.

Буларни ёзиш ва ўқиш осон.

Амалда қилиб кўрган билади, аслида жуда мураккаб. Аввало катталарда сабр етмайди. Ўзимизда демоқчиман ва ўзимдан мисол келтираман.

Шу йил январь ойидан ҳар ойлик кўчада овқат-

ланишлар сонини кескин камайтирдим, чойхонаю ошхоналар, ресторан-месторан ҳаммасини. Тежалган пулга ўғлим билан қизимни қўшимча машғулотларга бердим. Ўғлим, математика, ментал арифметика ва инглиз, рус тиллари, кейинчалик шахмат бўйича мураббийга қатнай бошлади. Икки ой, ҳатто, тушликка уйдан овқат олиб келдим.

Натижа: март ойида (икки ойда, эътибор қилинг) ментал арифметика бўйича Ангрен шаҳрида вилоятлараро Республика очик олимпиадаси бўлди ва унда ўғлим бажарган талаб 3-ўринга лойиқ кўрилди. Бу ерда гап, мен тўғри қилдим, зўр қилдим ҳақида эмас. Агар шундай бўлганида ўша пайт мактаниб ёзардим.

Гап шундаки, аввало биз – ота-оналар воз кеча билишимиз ўта-ўта муҳим.

Давлатимиз зўр бўлсин, коррупция камайсин, адолат бўлсин, деб даъво қиламиз, аммо ундай авлодни аввало шакллантириш, тарбиялаш керак ва у оиладан бошланади. Воз кеча олишдан, вақт ажратиш ва шуғулланишга эътибордан бошланишини бошдан ўтказдим. Лекин 3-4 та тўгаракка бериб ҳам болани қийнамаслик керак экан. Кечки пайт, ҳатто, овқат ейишга қийналиб ухлаб қоладиган бўлишди фарзандларим. Шунинг учун энди ҳаммасини режали, имконига қараб ташкил қилишни ўргандим.

Хуллас шунақа, ё ҳозир нимадандир кечиш, эртага нимагадир эришамиз. Ёки ҳозир ҳам, эртага ҳам чойхонаю тўйхонада бировни боласига ҳавас қилиб юраверамиз.

Чемпионларимизнинг ота-онаси эса, вақтида воз кечган давралар — сарпо-суруғи билан оstonасида тизилиб турган бўлса, умуман ажабланмайман.

Алишер РАВШАНОВ

Фикр



ГАЗЕТА

МУАССИСНИНГ МАЙДОНИ ЭМАС!

Кимга ҳам ёқар эди, ҳақиқатни ёзиб, қаламининг сиёҳини эринмай “тўкаётган” муҳаррир. Куну-тун қоғозлар ичига шўнғиб, қайсидир мавзуси кимгадир ёқиб қолишидан умидвор бўладида у. Афсус, меҳнатига яраша эътирофни қайданам топсин...

Бу гаплар ўзи бошқариб турган газетани халқники эмас, чинакам туман ҳокимлигининг “кўзгуси”га айлантирган ва ҳар кимга яловдор бўлиб, ҳокимнинг, жуда бўлмаса, “зам”ларнинг ҳаётини ёритаётган “муҳаррир”ларга тегишли эмас. Аслида, туман нашрларини ўлдираётган шулар. Эътибор беринг, ҳоким ёки унинг ўринбосарлари алмашиб қолса, “муносиб номзодга овоз берилди ё чинакам инсон ҳокимият тепасига келди”, дея бонг урадиганлар, эрта-индин эътироф этган инсонлари ишдан кетиб қолса, газетада раддия бериб, муносиб номзод эмас экан, деб ёзишяптими? Афсуски, йўқ.

Матбуот халқники. Жумладан, ҳудудий нашрлар ҳам туман ҳокимига эмас, аҳолига керак. Халқнинг дардини тинглаб, доимо халқ билан ва халқ ичида бўлиш ўша муҳаррирларга хос. Ҳар бир газета муҳаррири қойилмақом фаолият юритганида,

газетаси чинакамига туман кўзгуси бўла олганида, республикадан қатор-қатор журналистлар келиб, ҳудуддаги аҳолининг муаммоларни ёритишига ҳожат қолмасмиди...

Айни пайтда баъзи ҳудудий нашрларда ўз-ўзига танқид руҳида қараб, яхши аъёнани йўлга қўяётганлар ҳам бор. Гап махсус дипломга эга бўлмасада, соҳада иқтидорга эга ёшларни мухбирликка қабул қилиш ҳақида кетяпти. Ҳам ёзма нутқи ривожланади, ҳам амалий жиҳатдан таҳририят муҳитида тарбияланиб, университетга, касбига лаёқатли, етук кадр сифатида ўқишга топширади. Бу яхши ҳолат. Чунки, таҳририятлар ўзи учун ўзи сифатли кадрлар етиштириб чиқаряпти. Яқинда, бир туман нашрида бош муҳаррир вазифасини бажараётган 21 ёшли Отабек Бакиров деган йигит билан танишиб қолдим. Ваҳоланки, у ҳали абитуриент экан. Аммо, жуда иқтидорли. Ту-

ман ҳокимлиги ёшларни қўллаб-қувватлашни қойиллатаркан-да. Омад тиладим. Чунки, ҳар ерда ҳам ёш кадрларни “ўйлайдиган” раҳбарлар йўқ! Очиғи, ҳавас қилдим. Қаддингни ур журналист, дегим келди. Кейин билсам, узокни ўйлайдиган туман раҳбарлари журналистикани битириб, газетага ишга келадиганлар камлигини англаб, салоҳиятли ёшларга йўл очишаётган экан. Қизиқдим. Самарадорлиги юқори бўлган бу аъёнани қолган жойларда ҳам йўлга қўйишганми?

Туман газетаси — бу халқники, хурриятни байроқ тутувчи ёшларники. У бугун ёшларни қўллаган, ўзини ёшлар тажриба масканига айлантирмас экан, ўз келажаги ҳам шу алфозда кемтиниб, йўқолиб бораверади. Назаримда, ҳудудий нашрлар фаолиятини яхшилашда Оҳангарон тажрибасини ўрганиш анчайин самара беради. У ерда таҳририят фақатгина ёшлардан иборат. Жўшқинлик, ишга бўлган лаёқат ва иштиёқ ҳам шунга монанд. Натижалар ҳам арзирли. “Олтин қалам” миллий мукофотини қўлда илдам тутишдек бахтга ёш ижодкорлар муяссар бўлишган. Дарвоқе, у ерда ишлашда бировга рўқач қилиб, оғзини ёпишга керак бўладиган “махсус диплом” ҳам шарт эмас. Истеъдод, иқтидор бўлса, кифоя.

Оҳангарон тумани газетасининг қатор сонларини ўқиб шунга амин бўлдимки, нашр фақат ҳудуд миқёсида эмас, балки республика даражасидаги мавзуларни ҳам олиб чиқмоқда. Бу эса, табиийки, унинг ўқувчилари сони ошишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Зеро, газета муассиснинг мустамлака майдони эмас, у ўзида кун журналистларни жамлаган, ҳақиқатни ёзадиган, адолатли муҳаррирларнинг, ёшларнинг, муҳими халқнинг эркин минбари бўлиши айни муддаодир.

Улугбек ШАРОБИДДИНОВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати аъзоси

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-808
Адади: 1507.
Пайшанба кун чикади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА


Газетанинг полиграфик жихатдан
сифатли чоп этилишига “Шарқ”
нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6





Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилда Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қарор қабул қилган эди. Режага кўра, минтақада этнотуризм, агротуризм, экстремал туризм, экологик туризм, астрономик туризм йўналишлари ривожлантириш кўзда тутилган.

Хужжатда, шунингдек, Филон ва Кўл қишлоқларида этнотуризм йўналишига ҳам эътибор қаратилган. Қарорда белгиланган “ОАВ вакиллари учун инфотурлар ташкил этиш” бандига кўра, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси ташаббуси билан Филон қишлоғига бордик.

“ВИНО-ВОДКА” ДЎКОНИ ЙЎҚ ҚИШЛОҚ

ёхуд азалий урф-одатлар акс этган ҳудуд

Маҳаллий аҳолининг фикрича, қишлоққа 2200 йил аввал асос солинган. Бирок айрим манбаларда қишлоқнинг пайдо бўлиш йили 1305 йил деб кўрсатилган. Қишлоқ меъморчилиги Ўзбекистоннинг бирорта жойида учрамайди. Аҳоли қадимий турмуш тарзини унутмаган. Атрофи баланд тоғлар билан қуршаб олинган Филон Шаҳрисабздан 85 километр узоқликда жойлашган. Қишлоққа бориш осон эмас. Аммо завқли. Йўллар асфальт эмас, асосан тош йўл бўлгани боис 85 километрлик масофа 3-4 соатда босиб ўтилади. Хайдовчининг ёнида ўтирган йўловчига маза. Манзилга етиб боргунча табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб кетади. Айтишларича, денгиз сатҳидан 2600 метр баландликда жойлашган қишлоқда 5834 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар асосан дехқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Одамлар ўта меҳнаткаш. Бу сунъий сугориш тармоқларининг барпо этилишида яққол кўзга ташланади. Қишлоқда сув ва электр муаммоси йўқ. Фақат табиий газ етиб бормаган, аммо балонларда етказиб турилади. Одамлар ўзларига, ҳатто мини “ГЭС”лар қуриб олишган. “ГЭС”ни атайлаб қўштирноққа олдим, аслида уларни сувда ишлайдиган генератор, дейиш тўғрироқ бўлади. Бу “ГЭС”лар ишлаб чиқарган электр энергия саккизтагача лампочкани ёритишга етар экан. Филонликлар ақлига қойил қолмасдан илож йўқ.

Филонликлар ўзлари етиштирадиган картошка билан фахрланишади. Қишлоқнинг тор кўчалари, икки қаватдан иборат уйлари сайёҳларда қизиқиш уйғотиши табиий. Биринчи қават асосан омбор, молхона сифатида фойдаланилади. Иккинчи қават эса турар-жойдан иборат. Аёллар эшик олтидан ўтувчи ариқда бемалол кир ювишлари, таппи ёпишлари мумкин. Бу ерда ҳар бир қарич ер кадрланади.

Биз бир неча хонадонга кирдик. Ҳовли тор. Масалан, дейлик, тўй маросимларини ўтказишнинг имкони йўқ. Маълум қилишларича, авваллари тўй ва бошқа тантаналар қишлоққа қираверишдаги ялангликда ўтказилар экан. Ҳозирда қишлоқда ресторан фаолият

жоритаяпти. Тўйларда кўшиқлар фақат жонли ижро этилар экан. Биз тушлик қилаётганимизда ўзини Анди Филоний дея таништирган хонанда жонли ижро этиб, кўнглимизни кўтарди. Жонли ижро барибир жонли-да, иштирокчилар, шунингдек Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган меҳмонлар маза қилишди (сафар якунида улардан “таассуротларингиз қандай?” дея сўраганимизда, кўзлари порлаб “аъло, бунақа маза қилмагандик, ажойиб қишлоқ экан, бу каби қишлоқни кўрмаганмиз, қишлоқни ЮНЕСКОнинг рўйхатига кiritиш керак” дейишди).

Кўзим тушмадим, ё ҳақиқатан ҳам йўқми, қишлоқда “Вино-водка” ёзуви бор дўкон кўринмади. Ҳатто сигарет чекувчилар ҳам йўқ, деган таассурот билан қайтдим.

Айтишларича, қишлоқ аҳли авваллари бозор-ўчарни тоғлар оғиби Ургутдан қилиб келар экан. Ўтган асрнинг 70-йилларида тоғ йўли очилганидан сўнг Шаҳрисабзга қатнай бошлашибди. “Айни шу йўл Филонни ХХI аср билан боғлайди”, деган фикрга келдим. Шунини таъкидлаш керакки, қишлоқда асосан “ГАЗ-53”, «Нива» ва «УАЗ» машиналарини кўриш мумкин. Шунингдек, мотоцикллардан кенг фойдаланишади.

Қишлоқ аҳли асосан дехқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланишини юқорида айтдик. Энди туризм соҳаси ҳам қишлоққа кириб келмоқда. Агар бу соҳага эътибор қаратилса, филонликлар ҳаёти яхши томонга ўзгариши аниқ. Аммо мени бир хавотир чулғаб олди. Ишқилиб, қишлоққа келувчилар ўзлари билан ХХI аср маданиятини олиб келишмасин-да. Акс ҳолда туризм ривожланиши билан бир қаторда қишлоқ аҳлининг маънавияти, дунё қараши ҳам ғарб(ғариб)лаша бошлайди. Хулоса сифатида айтмоқчиманки, ўзини ижодкор деб билан ҳар бир инсон ҳаёти давомида бир марта бўлса-да, албатта Филонга бориши керак.

Ўзбекистонда дунёдаги кам сонли мамлакатларда мавжуд бўлган галактикага саёҳат қилиш имконияти борлигини биласизми? Яқин кунларга қадар шахсан мен ҳам билмасдим. ОАВ вакиллари Пресс-Тур доирасида Китоб кенглик станциясига ҳам бордик. Хуку-

мат қарорига кўра, яқин йилларда Ўзбекистоннинг Китоб кенглик станцияси ҳудуди дунёдаги кам сонли астротуризм масканларидан бирига айлантирилади. Бунинг учун албатта катта маблағ, илмий изланиш, астротуризм тажрибаси ва эътибор талаб қилинади. Бундан салкам бир аср аввал Китоб шаҳрида қурилган расадхона айни дамда барча қизиқувчиларга самовий жисмларни кузатиш имконини бериш учун очилди. Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сайёралар, ой ва айрим юлдузларни яқиндан кузатиш ва ўрганиш имконига эга бўлади.

Бизларга айтишларича, айни дамда маҳаллий ҳамда Япония, АҚШ ва Европа мамлакатларидан келган хорижлик сайёҳлар бу ерга келиб, Қуёш тизими сайёралари ва юлдузларни кузатишмоқда экан.

Китоб расадхонаси — жаҳондаги бешта Кенглик станциясидан бири. Станция самовий жисмларни кузатиш учун энг қулай кенгликда жойлашган. Китоб тумани Ўзбекистон ҳудудида географик харита бўйича Халқаро параллелдан (39 градус 08 минут) ўтувчи ягона жой ҳисобланади. Бу эса қишлоқда совуқ ҳаво оқими йўлини тўсиб, илиқликни сақлаб туривчи Ҳисор тоғ тизмалари йўналишидаги ушбу масканда коинотни кузатиш учун катта қулайлик яратади. Яъни бу ерда осмон, атмосфера шароитига кўра, йилига ўртача 2000 соатдан кўпроқ тиник ҳолатда бўлади.

Шаҳрисабз нафақат Қашқадарё вилоятининг, балки республикамизнинг сайёҳлик марказларидан бири ҳисобланади. Тарихдан маълумки, шаҳар аҳолисининг асосий қисми савдо-сотик ва хунармандчилик билан шуғулланган. 18 — 19-асрларда Шаҳрисабзда 6 дарвоза, 7 қарвонсарой ва 6 та мадраса, бир нечта бозор, шаҳар ташқарисидан Намозгоҳ масжиди бор эди.

Айтишларича, 1930-40 йилларда Шаҳрисабздаги тарихий ёдгорликларнинг аҳволи ачинарли ҳолда бўлган, улардан омборхона, турар жой ва бошқалар мақсадларда фойдаланилган. Шаҳрисабз ва унинг тарихий маданий мероси атайлаб кенг доирада тарғиб қилинмаган. Мустақиллик йилларида Шаҳрисабз қиёфаси тубдан ўзгарди. Шаҳар маркази қайта қурилди. Амир Темур ва Темурийлар даврида Шаҳрисабз улкан салтанатнинг йирик шаҳрига, барлос амир ва беқларининг ёзги қароргоҳига айлантирилган. Шаҳар атрофи қалъа девори билан ўраб олинган. Шаҳрисаб-

знинг тарихий марказида турли хил меъморчилик ёдгорликлари шаҳар тарихининг далили сифатида сақланиб қолган. Улар орасида Оксарой ва Кўк Гумбаз масжидини алоҳида тилга олиш керак.

Иштирокчилар Оксарой мажмуасига бордик. Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабз шаҳрида бир қанча обидалар барпо эттирган бўлиб, улардан биттаси Оксаройдир. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”-сидаги “Соҳибқирони саодатманд Кеш қалъасини солиб, Оксарой иморатини буюргони” фаслида Оксарой қурилишининг бошланиши ҳақида қуйидагича шеърини сатрлар ҳам битилган:

Ердан то само қадар

кўтарилган янги Ой,

Номи ила аталди танҳо

ғўзал Оксарой.

Саройнинг кўлами ажойиб бўлган. Оксарой Амир Темурнинг ёзги қароргоҳи бўлган. Саройнинг ҳовузлари Тахта қорача довонидан сопол қувурлар орқали сув келтирилган. Испания элчиси Клавихо 1404 йилда Оксаройда бўлиб, ҳали ҳам мажмуанинг ички қисмида безак ишлари олиб борилаётгани ҳақида ўзининг ён дафтарида ёзади. Оксарой Клавихонинг ёзиб қолдирган кўлёмасига асосан баландлиги ва катталиги жиҳатидан ўша даврда ягона эканлиги, порталларнинг баландлиги 71 метр бўлганлиги, кенглиги эса 125x250 метр, яъни 4 гектар бўлиб, саройнинг ичи барча шарт-шароитлари, жумладан, меҳмонхона, қабулхона, канизаклар турар хонаси, масжидлар ва меҳмонлар учун турар хоналар ва айвонлар бўлиб, хоналарнинг ички безаклари бир-биридан ажралиб турганлиги ҳамда саройнинг ички қисмида ҳовузлар бўлганлиги ҳақида ҳам ёзиб қолдирилган. Бугунги кунда саройдан фақат Самарқанд шаҳрига қаратиб қурилган, баландлиги 40 метрға етадиган асосий дарвоза сақланиб қолган. Ҳозирги кунда Оксаройнинг фақатгина кириш қисми, яъни порталлари сақланиб қолган. Порталларнинг ҳозирги баландлиги 38 метрни ташкил этади, унинг равоқ эни эса 22,5 метр бўлиб, катталиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Мана шунинг ўзиёқ қадимда Оксаройнинг салобати қандай бўлганлигини намоён этиб турибди. Бекиёс ёдгорликнинг буюклигини ўз кўзлари билан кўриш учун бу ерга минглаб сайёҳлар келишда давом этмоқда.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ